



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МІСЕ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ЖАҲОН ТУРИЗМ БОЗОРИДА ТАРҒИБ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a53](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a53)

Мирзалиев Санжар Махаматжон ўғли -
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
Илмий тадқиқотлар ва инновациялар
бўлими бошлиғи

Абдурапова Дилдора Фарходжон қизи -
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
1-босқич таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада юртимизнинг МІСЕ туризмни замонавий принциплар асосида ривожлантириш ҳамда бунда хориж тажрибасидан фойдаланиш, оммавий тадбирларни ташкил этишнинг асосий хусусиятлари очиб берилган. Шу билан биргаликда, Ўзбекистоннинг МІСЕ туризм салоҳиятини жаҳон туризм бозорида тарғиб қилишнинг замонавий маркетинг стратегияларининг устувор жиҳатларини асослаш ва янада ривожлантириш имкониятлари ўрганилди.

Таянч сўзлар: МІСЕ туризм, жаҳон туризм бозори, маркетинг стратегиялари, сайёҳлар, инфратузилма, хорижий давлатлар.

СОВРЕМЕННЫЕ МАРКЕТИНГОВЫЕ СТРАТЕГИИ ПРОДВИЖЕНИЯ МІСЕ ТУРИЗМА УЗБЕКИСТАНА НА МИРОВОМ ТУРИСТИЧЕСКОМ РЫНКЕ

Мирзалиев Санжар Махаматжон ўғли -
Ташкентский государственный экономический университет,
Начальник отдела научных исследований и инноваций
Абдурапова Дилдора Фарходжон қизи -
Ташкентский государственный экономический
университет, базовый докторант

Аннотация. В данной статье раскрываются основные особенности развития МІСЕ-туризма в нашей стране на основе современных принципов, а также использования зарубежного опыта организации массовых мероприятий. При этом были изучены возможности обоснования и дальнейшего развития приоритетов современных маркетинговых стратегий по продвижению туристического потенциала Узбекистана на мировом туристическом рынке.

Ключевые слова: МІСЕ-туризм, глобальный рынок туризма, маркетинговые стратегии, туристы, инфраструктура, зарубежные страны

MODERN MARKETING STRATEGIES TO PROMOTE MICE TOURISM OF UZBEKISTAN IN THE WORLD TOURISM MARKET

Mirzaliyev Sanjar Mahamatjon o'g'li -
Tashkent State University of Economics,
Head of Research and Innovation Department
Abdutarapova Dildora Farxodjon qizi -
Tashkent State University of Economics,
basic doctoral student

Abstract. This article reveals the main features of the development of MICE tourism in our country based on modern principles, as well as the use of foreign experience in organizing mass events. At the same time, the possibilities of substantiating and further developing the priorities of modern marketing strategies to promote the tourism potential of Uzbekistan in the world tourism market were studied.

Keywords: MICE tourism, global tourism market, marketing strategies, tourists, infrastructure, foreign countries

Кириш. Маълумки, соҳани жадал ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат сиёсати асосланган туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимизда замонавий туризм инфратузилмаси барпо этилди, жаҳон андозалари даражасидаги кўплаб ян-

ги туризм йўналишлари жорий этилмоқда, мавжуд тарихий-маданий ёдгорликлар таъмирланиши билан бирга улар кенг кўламда тарғиб қилинмоқда. Натижада туризм соҳасида ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими шакллантирилди. Республикамизда туризмнинг янги

истикболлари очилиб, турли йўналишларда кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилди. Сўнгги йилларда альпинизм, отда, туяда, велосипедда сайёҳат қилиш, балиқ ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми, тиббий туризм каби янги сайёҳлик йўналишлари оммалашмоқда. Ўз навбатида, бундай ҳолат туризм бизнесини ривожлантириш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда.

Танланган мавзунинг долзарблиги мамлакатимиз ҳукуматининг туризм соҳасига доимий эътибори билан боғлиқдир. Хусусан, 2021 йилда туризм соҳасида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризми янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли фармони [1], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6199-сонли фармони [2] қабул қилинди. Ўзбекистонда илк бор туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси тасдиқланиб, унга мувофиқ 2025 йилгача туризми ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, энг муҳими, соҳанинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланган.

Адабиётлар шарҳи. Мақолани ёзишда Туризм саноати ва хизмат кўрсатиш соҳасининг долзарб муаммолари, туристик хизматлар, фан ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш механизмлари ва шакллари, туризм соҳаси стандартлари асосида юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари Э.Ю.Дауренов[4], М.Т.Алиева, А.Умаржанов [5], О.Х.Хамидов [6], Н.Бобоев [7]лар ўзларининг дарслик ва ўқув қўлланмаларида туристик таълим ва ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ва ҳоказоларни кўриб чиқдилар.

М.Т.Алиева: “Туризм давомли яшайдиган, ишлайдиган ва муҳим эҳтиёжларни қондирадиган жойлардан ташқарига қилинадиган саёҳатдир” [5], – дея туризмга ўзгача таъриф бериб ўтган.

О.Х.Хамидов: “Туризм мураккаб кўп қиррали тушунча бўлиб, у бой ва хилма-хил табиат, маданий-тарихий объектлардан табиат муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш асосида томоша қилиш орқали самарали фойдаланиш йўналишларини белгилайди” [6], – дея эътироф этган.

Жаҳон иқтисодий адабиётларида туризмга доир масалалар олимлар томонидан ўрганилиб, унга турлича таърифлар бериб ўтилган. Мисол учун, голландиялик олим Р.Грег туризм-

га қуйидагича таъриф бериб ўтган: “Туризм – кишиларнинг ўз маданий эҳтиёжларини қондириш учун янги маълумотлар ва тажриба тўплаш мақсадида одатий яшаш жойидан узоқда жойлашган диққатга сазовор жойларга бориши” [8].

Ю.Волков эса МІСЕ туризмни глобал миқёсда мамлакатларнинг бир-бирларининг маданиятига қизиқиш уйғотувчи восита сифатида таъкидлаб, уни учта омилга бўлган:

- маданий ва маданий меросга доир билимларни бойитиш;
- маданиятни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш;
- мулоқотларнинг йўналишларидан иборат [9].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотлар давомида республикамиз туризм соҳасини ривожлантиришда МІСЕ туризмнинг иқтисодий аҳамияти, сайёҳларнинг жалб қилиниши таҳлил қилинди. Келтирилган статистик маълумотлар Давлат статистика қўмитаси [12] расмий сайтига мувофиқ келтирилди.


Таҳлил ва натижалар. Пандемия туфайли 2021 йил январь-март ойларида юртимизга келган сайёҳлар ўтган даврга нисбатан сезиларди даражада камайган бўлиб, жами 238 855 нафар хорижлик фуқаро туристик мақсадда ташриф буюрган. Шундан 42 % ташриф буюрувчилар Қозоғистон Республикаси фуқаролари улушига тўғри келмоқда. Кўшни мамлакат фуқаролари, асосан, юртимизнинг зиёратгоҳлари учун ташриф буюришлари маълум бўлди. Келган туристларнинг 32,4 %и Қирғизистон Республикаси аҳолисига тўғри келмоқда. Россияда ҳам юртимизга саёҳат қилишга иштиёқмандлар кўп. Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор хорижликлар учун бу борада катта имконият яратмоқда. Шу муносабат билан Россиянинг кўплаб сайёҳлик компания ва фирмалари Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболлари бўйича шартномалар тузиш ниятида эканлигини таъкидламоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон туризм салоҳиятини комплекс ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Энг муҳими, юқоридаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши орқали ўтган давр мобайнида туризм саноатини тартибга солиш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун зарур меъёрий база яратилди ҳамда Ўзбекистонда туризм бизнесини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятлари тўла юзага чиқарилишига замин яратди.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик бренди минг йиллар давомида шаклланиб келмоқда, шу сабабли туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Юртимизнинг бой маданий-тарихий мероси эса бу-

нинг учун кенг имкониятлар очмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда 8 200 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Буюк Ипак йўли пайдо бўлганидан буён Ўзбекистон Шарқ ва Ғарбни боғловчи кўприк бўлиб, мамлакат минтақасининг барча дав-

латлари билан чегарадош ҳамда Европадан Осиёга ва аксинча саёҳатлар учун энг қисқа йўл ҳисобланади. Тарихий-маърифий, гастрономик, соғломлаштириш, MICE, тоғ, қишлоқ хўжалиги, экологик, археологик – туризмнинг барча турларини Ўзбекистонда учратиш мумкин.



1-расм. Ўзбекистон Республикасига келган сайёҳлар динамикаси[13]

2021 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига жами 1 881,3 минг киши сайёҳлик мақсадида ташриф буюрган. Келган чет эллик меҳмонларнинг 50,9 %ини (956,7 минг киши) эркаклар, 49,1 %ини (924,6 минг киши) аёллар ташкил этди. 2020 йилнинг шу даврида эса келган эркаклар сони 765,4 минг кишини, аёллар 738,7 минг кишини, умумий 1 504,1 минг кишини ташкил этди.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда 1100 дан зиёд меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш объектлари ҳамда 500 га яқин санатория-курорт муассасалари ва дам олиш масканлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Юртимиз бўйлаб туристик объектларнинг номутаносиб жойлашуви, айрим ҳудудларнинг бренди етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли аксарият сайёҳлар юртимизнинг Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Бухоро каби меъморий ёдгорликлар ҳамда санатория-курорт муассасалари кўп ҳудудларга ташриф буюришмоқда.

Сайёҳлик соҳаси, бир томондан, аҳолининг турмуш даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошириши билан бевосита боғлиқ бўлса, бошқа томондан, инсоннинг жисмоний, маънавий ва психологик жиҳатдан соғлиғини мустаҳкамлаш орқали ишлаб чиқариш ҳолати ва меҳнат унумдорлиги даражасининг ошишига, умуман, инсоният цивилизацияси ривожига ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатади. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистон туризм соҳасида ул-

кан салоҳиятга эга қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари билан туристларни ўзига ром этмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотига туризмнинг улуши, шунингдек, тарихий ёдгорликлар сони ва туристлар орасида машҳурлиги кабиларга асосланади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизнинг тарих ва замонавийлик уйғунлашган қадимий шаҳарлари, ноёб маданий-маънавий мероси, халқимизнинг миллий ўзлигини намоён этувчи урф-одат, анъаналари, табиий салоҳияти билан дунё сайёҳларининг эътиборини ўзига тортмоқда. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат турлари сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарор ва тавсияномалардан фойдаланиш орқали мамлакатимиз туризм корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга оид қонун, қарор ва бошқа меъорий ҳужжатларни такомиллаштириш мумкин.

Шу ўринда республикада MICE туризми янада ривожлантириш учун қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон ҳудудида барча MICE ўтказиш учун мўлжалланган очиқ ва ёпиқ майдон-

ларнинг статистик маълумотлари доимий равишда янгиланиб турилиши лозим.

2. MICE билан шуғулланувчи барча ташкилотлар бирлашиши зарур ва муаммолар кўтариб чиқиладиган учрашувлар доимий равишда ўтказилиши лозим.

3. MICE туризмни ривожлантириш ва ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш.

4. MICE туризмда хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, туристларга хизмат кўрсатиш, сувенирлар ишлаб чиқариш, меҳмонхона хўжалиги ва шу кабиларга тадбиркорлар ва хунармандларни жалб қилиш.

5. Ўзбекистонда MICE туризмни замонавий принциплар асосида ривожлантириш ва бунда хориж тажрибасидан фойдаланиш.

6. Оммавий тадбирларни ташкил этишда асосий хусусиятларини инобатга олиш лозим.

7. Ўзбекистоннинг MICE туризм салоҳиятини жаҳон туризм бозорида тарғиб қилишнинг замонавий маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалар ва берилган тавсиялар истиқболда амалиётга жорий этилганда, Ўзбекистонда MICE туризм ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш, устуворлик даражасини белгилаш, асосий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга маълум даражада кўшилган ҳисса бўлади, деб умид қиламиз.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. "Туризм тўғриси"да Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сонли. <https://lex.uz/docs/4428097>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6165-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/5283956>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6199-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/5356705>;
4. Дауренов Э.Ю. Туризм. Дарслик. – Чирчиқ, 2019. – 125 б.
5. Алиева М.Т. Туристтик мамлакатлар иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Молия, 2007. 22-б.
6. Хамидов О.Х. Туризм ва сервисда инновациялар. Ўқув кўланма. – Т., 2021. – 123 б.
7. Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм. Учебник для студентов вузов./ Пер. с англ. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Юнити-дана, 2007. – 331 б.
8. Richards G. (1996) Cultural Tourism in Europe. CABI, Wallingford. [1, с. 45].
9. Волков Ю. Экономика гостиничного бизнеса. / Серия «Учебники, учебные пособия». – Ростов н/Д: Феникс, 2003. – 384 б.
10. Шматько Л.П. Туризм и гостиничное хозяйства. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс; Издательский центр "Март", 2010. – 352 б.
11. www.lex.uz
12. www.stat.uz
13. <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yoqiliklar/19500-turistik-maqsadlarda-kelgan-chet-el-fuqarolarining-jinsi-bo-yicha-taqsimlanishi-2>



SAMARQAND VILOYATIDA ISHBILARMONLIK TURIZMINI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILY-IQTISODIY MASALALARI

Samiyev Siroj Saitovich -
 "Ipak yo'li" turizm va madaniy meros
 xalqaro universiteti ARM yetakchi mutaxassisi,
 Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
 mustaqil izlanuvchisi

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a54

Annotatsiya. Mazkur maqolada tadqiqotchining hududiy ishbilarmonlik turizmini rivojlantirish sohasida olib borgan izlanishlarining natijalari e'lon qilinmoqda. Muallif tomonidan Samarqand viloyati misolida ishbilarmonlik turizmi subyektlari harakatlarini muvofiqlashtirish va ularni rag'batlantirish mexanizmini takomillashshtirish bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: ishbilarmonlik turizmi, xizmat safari va tadbirkorlik tashriflari, muvofiqlashtiruvchi kengash, motivatsion mexanizm.